

ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ЧЕКЛОВЧИ КАМСИТУВЧИ ИЖТИМОЙ МЕЪЁРЛАР: ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАР ВА ЭМПИРИК ДАЛИЛЛАР

Нурмонова Зебо Аликовна

“Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти

3-босқич таянч докторанти (PhD)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигига таъсир этувчи камситувчи ижтимоий меъёрларни оила, таълим ва меҳнат бозори институтлари кесимида эмпирик жиҳатдан таҳлил қилинган ва уларнинг институционал хусусиятлари очиб берилган.

Шунингдек, социологик сўров натижалари асосида жамиятда мавжуд норасмий меъёрларнинг қай даражада сақланиб қолаётгани ва уларнинг хотин-қизлар иқтисодий фаоллигига қандай механизмлар орқали таъсир кўрсатаётгани ёритилган.

Калит сўзлар: хотин-қизлар иқтисодий фаоллиги, ижтимоий меъёрлар, камситиш, оила институти, таълим тизими, меҳнат бозори.

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш масаласи дунё миқёсида ҳам, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, дунё миқёсида оилаларнинг салмоқли қисми хотин-қизлар даромадлари ҳисобига яшайди⁵⁶, бу эса уларнинг иқтисодий фаоллиги нафақат индивидуал фаровонлик, балки жамият барқарорлиги учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Шу билан бирга, расмий қўллаб-қувватлаш чораларига қарамасдан, норасмий ижтимоий меъёрлар ва анъанавий гендер кутилмалари хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини чеклашда давом этмоқда.

Ижтимоий институтлар назарияси нуқтаи назаридан қаралганда, гендерга оид камситувчи меъёрлар алоҳида шахсий қарашлар эмас, балки оила, таълим ва меҳнат бозори каби институтлар доирасида шаклланиб, қайта ишлаб чиқариладиган тузилмавий механизм сифатида намоён бўлади. Оилада шаклланган гендер роллари таълим орқали мустаҳкамланиб, меҳнат бозорида гендер асимметрияси кўринишида намоён бўлади.

Мазкур тадқиқотнинг мақсади — Ўзбекистон шароитида хотин-қизларнинг иқтисодий фаоллигига таъсир этувчи камситувчи ижтимоий меъёрларни оила, таълим ва меҳнат бозори институтлари кесимида эмпирик

⁵⁶ International Labour Organization. World Employment and Social Outlook: Trends 2021. – Geneva: ILO, 2021. – 156 p.



жиҳатдан таҳлил қилиш ҳамда уларнинг институционал хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқот социологик институционал ёндашув ва фанлараро таҳлил модели асосида амалга оширилди. Иқтисодий фаоллик фақат меҳнат бозорида иштирок этиш билан чекланмасдан, балки ижтимоий меъёрлар, роллар тақсимои ва институционал чекловлар билан ўзаро боғлиқ социоиқтисодий жараён сифатида талқин этилди.

Социоиқтисодий фаоллик — хотин-қизларнинг меҳнат бозорида иштирок этиши, иқтисодий қарор қабул қилиш жараёнларида қатнашиши, ресурслардан фойдаланиш имкониятлари, иқтисодий мустақиллик даражаси ҳамда ушбу жараёнларни белгиловчи ижтимоий меъёрлар ва институционал чекловлар мажмуини ўз ичига олади. Зеро, бундай ёндашув иқтисодий фаолликни индивидуал танлов ёки бозор шароити билан эмас, балки оилавий роллар тақсимои, таълим орқали шаклланган қийматлар тизими ва меҳнат бозоридаги институционал амалиётлар билан ўзаро боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш имконини беради.

Эмпирик маълумотлар Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида аҳоли ўртасида ўтказилган анкетали сўров асосида жамланди. Шунингдек, сўров анкетасига хотин-қизларнинг социоиқтисодий фаоллигига таъсир этувчи камситувчи ижтимоий меъёрларни ўлчаш учун оила, таълим ва меҳнат бозори институти кесимида гуруҳланган 15 та баёнот киритилди. Баёнотлар 5 поғонали Лайкерт шкаласи асосида баҳоланди: юқори балл камситувчи меъёрларнинг кучли қўллаб-қувватланишини, паст балл эса уларнинг заифлашиши ёки рад этилишини англатади. Ҳар бир баёнот бўйича ўртача баллар ҳисобланиб, улар асосида институционал субиндекслар ва умумий интеграл индекс шакллантирилди. Натижалар асосан умумий аҳоли фикри асосида таҳлил қилинди, айрим ҳолларда эса жинс, ёш, таълим, оилавий ва бандлик ҳолати кесимлари иллюстратив мақсадда қўлланилди.

Тадқиқот натижалар жамиятда анъанавий ва замонавий қарашлар бир вақтнинг ўзида мавжуд эканини кўрсатди. “Хотин-қизлар турмуш қурганидан сўнг ишламаслиги керак”, деган фикрни 52,3 фоиз респондент рад этган бўлса, 31,6 фоизи қўллаб-қувватлаган. Бу гендер ролларига оид меъёрлар трансформация жараёнида эканини англатади. Жинс кесимида хотин-қизлар мазкур анъанавий меъёрига нисбатан танқидийроқ позицияни эгаллаган. Ёш гуруҳлар орасида рад этиш юқорироқ, катта ёш гуруҳларда эса анъанавий позициялар нисбатан барқарор сақланган. Бу авлодлараро ижтимоийлашув фарқлари билан изоҳланади.

Оила институти доирасида қарор қабул қилишда эркаклар устунлиги (48,8%) қайд этилди. “Хотин-қизлар моддий жиҳатдан эркакка боғлиқ бўлиши



керак”, деган фикрни 64,6 фоиз респондент қўллаб-қувватлаган. Бу иқтисодий қарамлик модели жамият онгида ҳануз барқарор эканини кўрсатади.

Уй меҳнати тақсимотида ҳам гендер асимметрияси сақланмоқда: хотин-қизларнинг 42,6 фоизи уй юмушларини асосан ўзи бажаришини билдирган. Бу ҳолат вақт ресурслари чекланиши орқали меҳнат бозоридаги иштирок имкониятларига таъсир кўрсатади.

Таълим институтида эса ижобий тенденция кузатилди. Респондентларнинг 86,5 фоизи хотин-қизларнинг олий таълим олишини қўллаб-қувватлаган. Таълим даражаси ошган сари анъанавий гендер меъёрларини рад этиш улуши ўсган. Бу таълим гендер ролларини трансформация қилувчи муҳим омил эканини кўрсатади.

Меҳнат бозорида респондентларнинг 49,8 фоизи иш берувчилар томонидан хотин-қизларни камроқ ишга қабул қилиш амалиёти мавжудлигини тан олган. Гендер кесимида таҳлил қилинганда, мазкур фикрни қўллаб-қувватлаш хотин-қизлар орасида юқорида экани кузатилади. Бу ҳолат меҳнат бозоридаги камситиш ҳолатлари, аввало, бевосита ушбу гуруҳ вакиллари томонидан кучлироқ ва аниқроқ идрок этилишини кўрсатади.

Хотин-қизларнинг раҳбарлик лавозимларига муносабат ижобий (53,9%) бўлса-да, салбий ва бетараф позициялар “шиша шифт” механизми мавжудлигини кўрсатади. Яъни, расмий чекловлар бўлмаса-да, норасмий меъёрлар ва институционал амалиётлар хотин-қизларнинг юқори лавозимларга кўтарилишга кўринмас тўсиқ яратиши мумкин.


Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг социоиқтисодий фаоллигига нисбатан камситувчи ижтимоий меъёрлар турли ижтимоий институтлар доирасида бир хил даражада эмас, балки институтга қараб фарқли шаклда сақланиб қолмоқда. Институтлар кесимида ҳисобланган субиндекслар мазкур меъёрларнинг тасодифий эмас, балки институционал табиатга эга эканини, яъни оила, таълим ва меҳнат бозори институтлари орқали қайта ишлаб чиқарилаётганини тасдиқлайди. Ҳисоб-китоблар натижасига кўра, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг социоиқтисодий фаоллигига нисбатан камситувчи ижтимоий меъёрлар умумий интеграл индекси 2,90 баллни ташкил этади⁵⁷. Бу кўрсаткич мамлакатда хотин-қизларнинг социоиқтисодий фаоллиги учун институционал муҳит тўлиқ барқарорлашган ҳолатда эмас, балки ўтиш, яъни трансформация босқичида эканини кўрсатади.

Мазкур эмпирик натижалар ижтимоий меъёрларнинг таъсирини тушунтиришда таклиф этилган институционал занжир модели (оила-таълим-меҳнат бозори)нинг амалий аҳамиятини янада очиб беради (1-расм). Ушбу модель ижтимоий меъёрларнинг шаклланиши, авлоддан-авлодга узатилиши ва

⁵⁷ Натижалар муаллиф томонидан ўтказилган социологик сўров маълумотларига асосланади.



меҳнат бозорида амалда намоён бўлиш жараёнини тизимли равишда ифодалайди. Шу билан бирга, интеграл пирамида модели оила ва таълим институтлари меҳнат бозоридаги гендер асимметриясини шакллантирувчи асосий пойдевор эканини кўрсатади. Демак, меҳнат бозорида кузатилаётган тенгсизлик мустақил ҳолда юзага келмайди, балки оилавий роллар ва таълим орқали шаклланган ижтимоий кутилмаларнинг институционал давоми сифатида намоён бўлади.



1-расм. 3 та асосий институт (оила-таълим-меҳнат бозори)нинг иерархик боғлиқлигини акс эттирувчи интеграл пирамида⁵⁸

Муҳим жиҳат шундаки, мазкур институционал занжир бир томонлама эмас, балки қайта таъсир механизмига ҳам эга. Таҳлил натижаларига кўра, меҳнат бозорида шаклланган гендер асимметриялари хотин-қизларнинг иқтисодий мустақиллигини чеклаб, оила институтидаги муносабатларга қайта таъсир кўрсатади. Натижада “асосий боқувчи — эркак” модели, қарор қабул қилишдаги асимметрия ва уй меҳнати юкининг хотин-қизлар зиммасига юкланиши янада мустаҳкамланади. Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қуйидаги илмий-амалий тавсиялар илгари сурилади:

1. Оила институти доирасида уй меҳнати ва парвариш мажбуриятларини тенг тақсимлашга қаратилган ижтимоий дастурлар ва маърифий кампанияларни кучайтириш;

2. Меҳнат бозорида мослашувчан иш режими, қисман бандлик ва парвариш таътиллари каби институционал механизмларни кенгайтириш;

⁵⁸ Чизма муаллиф томонидан ўтказилган социологик сўров маълумотлари ва назарий таҳлиллар асосида тузилган.

3. Раҳбарлик лавозимларига кўтарилиш жараёнида шаффоф баҳолаш мезонларини жорий этиш ва “шиша шифт” механизмларини камайтиришни назарда тутувчи институционал ислохотларни амалга ошириш;

4. Таълим тизими орқали гендер ролларига оид стереотипларни бартараф этишга қаратилган ўқув-тарбиявий моделларни кучайтириш;

5. Ижтимоий меъёрлар таъсирини мунтазам мониторинг қилиш мақсадида интеграл индекс асосида баҳолаш тизимини жорий этиш.

Мазкур комплекс ёндашув ижтимоий меъёрларнинг ўз-ўзини қайта ишлаб чиқарувчи циклик механизмини заифлаштириш ва меҳнат бозорида барқарор гендер тенглигига эришиш учун институционал асос яратиш имконини беради. Зеро, хотин-қизлар соcioиқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган сиёсатлар миллий шароитга мослаштирилган ҳолда, халқаро тавсиялар билан уйғунлаштирилган комплекс институционал ёндашув асосида амалга оширилиши лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги. Гендер статистикаси: меҳнат соҳаси бўйича асосий кўрсаткичлар, электронманба. — Тошкент, 2024.

<https://gender.stat.uz/uz/asosiy-ko-rsatkichlar/mehnat>

2. OECD (2014a), “Gender, Institutions and Development Database”, OECD Development Centre <https://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=GIDDB2014>

3. OECD (2014b), “Social Institutions and Gender Index (SIGI) 2014 Synthesis report”, OECD Development Centre.

4. International Labour Organization. Care Work and Care Jobs in Uzbekistan: The State of Play. — Geneva: ILO, 2022.

5. Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин: принята Генеральной Ассамблеей ООН 18 декабря 1979 г. — Нью-Йорк: Организация Объединённых Наций, 1979.

